

ИКСОД КАНАЛАРИНИНГ ХУДУДИЙ ТАРҚАЛИШИ

Аннотация

Научно-исследовательские работы были проведены на личных крупных рогатых скотах жителей Тайлякско-го, Ургутского, Жамбайского и Пайарыкского района Самаркандской области. Разнообразие клещей типов *Hyalomma*, *Rhipicephalus*, *Haemaphysalis* были отмечены в качестве доминантного вида.

Калит сузлар: фауна, миграция, динамика, доминант, трансмиссив, вектор, акарицид, препарат, эритма.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда чор- ва молларини ва уларнинг махсулдорлигини ошириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, чорвачиликда иктисодий ислохотлар ўтказилиб, деҳқон, фермер хўжаликлари ҳамда микро- фермалар ташкил қилинмоқда. Колаверса, чет давлат- лардан наслдор моллар олиб келиниб. кўпайтирилмоқда.

Бирок янги қурилган чорвачилик фермалари ҳамда микрофермаларда, хусусан, аҳоли қармоғидаги моллар танасида хавфли трансмиссив касалликларни Vector тарқатувчилари хисобланган иксод каналари кўпаймоқда. Ҳайвонлар миграциясининг ошиши билан эндемик каналарнинг ҳам тарқалиш ареаллари кенгаймоқда. Натижада қорамолчилик ва қўйчилик фермаларида махсулдорлик камаймоқда ҳамда санитария эпидемиологик таҳдид кучаймоқда.

Шундай экан, иксод каналарининг фаунасини, экологиясини, мавсумий динамикасини ҳамда уларга қарши курашишнинг янги воситаларини тадқиқ этиш муҳим илмий- амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот максади. Иксод каналарининг хууддий эпизоотологии хусусиятини ўрганиш ва янги қаратин 5 пиретроид препаратининг акарицидлик самарасини аниқлаш.

Тадқиқот объекти ва услуби. Илмий-тадқиқот ишлари Самарканд вилоятининг Тойлок, Ургут, Жом- бой ва Пайариқ туманларида аҳоли қармоғидаги қорамолларда олиб борилди. Терилган қана турлари арахноэнтмология лабораториясида микроскопии

Summary

Research work was carried out on the private cattle of the population of the Taylak, Urgut, Zhambay and Paiarik districts of the Samarkand region. A variety of ticks types *Hyalomma*, *Rhipicephalus*, *Haemaphysalis* were noted as the dominant species.

ва морфосистематик текширишлардан ўтказилиб, қўлланма ва аниқлагич жадваллар ёрдамида «Определитель пухоедов Mallophaga домашних животных», «Атлас иксодных клещей», «Определитель членистоногих, вредящих здоровью человека» ҳамда бошқа махсус адабиётлар ёрдамида аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Тойлок туманининг «Боғизоғон», «Тепакшлок», «Уртақшлок», «Файзи- обод» махталлари ҳамда «Зарафшон» воҳасида 200 бош қорамол текширилди. Натижада 170 (85%) бош мол каналар билан зарарланганлиги ва *Ixodes*, *Der- macentor*, *Rhipicephalus*, *Hyalomma* авлодларига ман- суб кон сўрувчи қана турлари аниқланди.

Ургут туманининг «Штоп» ҳамда «Урамас» махаллалари шахсий ёрдамчи хўжалиқларидан 35 бош қорамол паразитологии текширилди. Улардан 30 (85,7%) бош қорамолнинг иксод каналари билан спон- тан холда зарарланганлиги аниқланди. Бу хуудда асосан *Rhipicephalus*, *Dermacentor* авлоди вакиллари- нинг доминантлик қилиши кузатилди.

Жомбой туманининг «Гулистон» ҳамда «Сарой» махаллалари хууддининг шахсий хўжалиқлари аҳолиси қармоғидаги 50 бош қорамол иксодидоз- ларга қарши текширилганда, улардан 40 (80%) боши каналар билан зарарланганлиги аниқланди. Асосан *Hyalomma*, *Rhipicephalus* ва *Dermacentor* қана авлоди патоген турлар (доминант) сифатида қайд этилди.

Пайариқ тумани «Накурт» маҳалласининг шахсий ёрдамчи хўжалиқлардаги (аҳоли қармоғидаги) 35

1-жадвал.

Экотоп ва экотонларда иксод каналарининг мавсумий фенограммаси

Топилган каналар турлари	Ойлар бўйича (экз.)								
	I-III	IV	И	И	177	1777	IX	X	XI
<i>I ricinus</i>	-	-	доналаб	доналаб	доналаб	ўнлаб	доналаб	доналаб	
<i>Hyalomma anatolicum</i>	-	доналаб	ўнлаб	ўнлаб	ўнлаб	ўнлаб	доналаб	доналаб	
<i>H. plumbeum</i>	-	-	ўнлаб	ўнлаб	ўнлаб	ўнлаб	доналаб	доналаб	
<i>H. detrition</i>		доналаб	доналаб	ўнлаб	ўнлаб	ўнлаб	-	-	
<i>H. scupense</i>		доналаб	доналаб	ўнлаб	ўнлаб	ўнлаб	-	-	
<i>Rhipicephalus bursa</i>	-	доналаб	ўнлаб	ўнлаб	ўнлаб	ўнлаб	доналаб	доналаб	
<i>Rh. turanicus</i>		Г		доналаб	ўнлаб	ўнлаб	доналаб	-	
<i>Haemaphysalis sulcata</i> ,		-	доналаб	доналаб	доналаб	доналаб	доналаб	-	
<i>H. punctata</i>		-	доналаб	ўнлаб	ўнлаб	доналаб	доналаб	-	
<i>Dermacentor marginatus</i>	-	доналаб	ўнлаб	ўнлаб	ўнлаб	ўнлаб	доналаб	доналаб	

(хайвонлар танасида)

Каратин (5%) препаратини иксодидозларга қарши синов натижалари

т.р.	Препарат с.э.конц. (фоиз)	Мол тури	Сони (бош)	Паразит тури	Дозаси	Кузатиш вакти (сутка)	Экстенс самара (фоиз)
1.	0,003	Қорамол	5	H.plumbeum Rhipicephalus bursa	500мл/б с.э. 0,3 мл/б ТМ	1 сутка	50
						3 сутка	97,4
2.	0,003	Қорамол	5	H. anatolicum H.plumbeum	500мл/б с.э. 0,3 мл/бТМ	1 сутка	70
						3 сутка	100
3.	0,003	Қорамол	5	H. anatolicum Rhipicephalus bursa	500мл/б с.э. 0,3 мл/б ТМ	1 сутка	60
						3 сутка	96,7
4.	0,003	Қорамол	5	H. anatolicum H.plumbeum	500мл/б с.э. 0,3 мл/б ТМ	1 сутка	50
						3 сутка	100
5.	0,003	Қорамол	8	H. anatolicum	500мл/б с.э. 0,3 мл/б ТМ	1 сутка	20
						3 сутка	98,7
6.	0,003	Қорамол	7	H. anatolicum	500мл/б с.э. 0,3 мл/б ТМ	1 сутка	0
						3 сутка	100

бош мол текширилганда уларнинг барчаси иксод кана-лари билан зарарланганлиги кузатилди. Бу молларда асосан *Hyalomma*, *Haemaphysalis* авлоди каналари паразитлик қилиши аниқланди. Эктопаразитларга қарши қорамолларни текшириш мобайнида шахсий ҳамда хусусий хўжаликларда мавжуд молларни саклаш, озиклантириш, озикаларнинг тозаллиги ва уларнинг саклаш шароитлари ҳам ўрганилди.

Текширувлар мобайнида бу худудларда асосан *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. scupense*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. Bursa*, *Rh. turanicus*), *Haemaphysalis* (*H. sulcata*, *H.punctata*), *Dermacentor marginatus*, *Ixodes* (*I. persulcatus*, *I.ricinus*) авлодлари га мансуб кана турлари асосий паразитологик-эпидемиологик таҳдид солувчи зоопаразитлар ҳисобланади. Уларга қарши дезакаризация чораларини мунтазам равишда амалга ошириш талаб этилади.

Каратин 5% эмульсия концентрата

Каратин 50 (5%) ли концентрат эмульсия-инсектоакарицид пиретроид препаратига, 1 литрда 50 г фаол таъсир килувчи модда мавжуд, таркиби оғир-циано-3-феноксibenзил- (RS) цистранс- 2,2- диметил- 3- (2,2-дихлорвинил) циклопропан- карбоксилат.

Препарат 5% ли концентрат эмульсия ҳолида ишлаб чиқарилди. Препарат НЕВЕИ NEW CENTURY PHARMACEUTICAL CO., LTD, (Хигой) компаниясида ишлаб чиқарилган.

Препарат синовини Тойлок тумани "Тепакшлок", "Файзиобод", "Боғизоғон" маҳаллаларидаги шахсий, хусусий хўжаликлар чорва молларида ўтказилди. Бунда, табиий ҳолда (спонган) зарарланган 35 бош қорамол каратин 50 (5%) препаратининг 0,003% ли сувли эритмаси билан (500 мл сувга 0,3 мл ТМ) пуркаш усулида дориланди. Препаратнинг ишчи эритмаси моллар танасининг фақат кана бор жойларига қўлланилди. Тажрибалар жараёнида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинди.

Препаратни қўллашда эктопаразитлар билан зарарланган қорамолларнинг ёшига, хайвон танасининг катта-кичиклигига ҳамда клиник белгиларига эътибор берилди.

Тажирибалар натижасида каратин (5%) пиретроид препаратининг юқори акарицид самарага (95 фоиз) эга эканлиги аниқланди.

Хулосалар.

1. Самарканд вилояти Тойлок, Ургут, Жомбой, Пайарик туманлари экотон ва экотоплари, тўқайзорлари шароитада иксод каналарининг *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. scupense*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. Bursa*, *Rh. turanicus*), *Haemaphysalis* (*H. sulcata*, *H.punctata*), *Dermacentor marginatus*, *Ixodes* (*I.ricinus*) авлодлари вакиллари қорамоллар организмиде зоопаразит сифатида асосий патоген тур ҳисобланади.

2. Иксод каналаридан *Hyalomma* ва *Rhipicephalus* авлоди каналари доминант турлар эканлиги аниқланди.

3. Каратин 5 препаратини қорамоллар танасидаги иксод каналарига қарши қўллаганда моллар физиологик ҳолатида салбий (токсикологик) ўзгаришлар кузатилмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхата:

1. Н.И.Агринский. Насекомые и клещи, вредящие сельскохозяйственным животным. Кровососущие клещи - переносчики болезней человека и животных. Ленинград: «Наука», 1967.
2. Одум Ю. Основы экологии. -М.: «Мир». 1986.
3. Рузимуродов А. Паразитизм биологический. Оптимизация животноводства. Самарканд: «Zarafshon». 2010.
4. Рўзимуродов А. Паразитозлар нозологияси // "Агро илм" № 1, 2010.
5. Исаков И. Геморрагик иситма қандай касаллик. // "Ўзбекистон кишлок хўжалиги" № 4, 2013.
6. Рўзимуродов А. Ҳайвон турлари ва экоадаптация. // "Агро илм" № 3, 2014.
7. Сапаров Ҳ. Кана чакишидан эҳтиёт бўлинг. // "Зоо-ветеринария" № 3, 2015.
8. Сапаров Ҳ. Зика иситмаси қандай касаллик? // "Зоо-ветеринария" № 2, 2016.